

Мавзу: 100 ёш билан юзлашган нуроний онахон билан учрашув

Мақсади:

1. Ўқувчиларга 8-март онажонларимиз байрами ҳақида тушунча бериш. 100 ёш билан юзлашган нуроний онахон билан учрашув ўтказиш.
2. Ўқувчиларга жамоат жойларда ўзини тута билиш тартибини ўргатиш, онажонларга ёрдам беришга ўргатиш.
3. Коллективчилик, ўртоқчилик тарбиясини ошириб бориш.

Безаги:

Ҳар хил баҳор гуллари, ўқувчилар қўлларида гуллар, қизлар атлас кўйлақда, ўғиллар оқ кўйлақ, қора шимда, мусиқа эшиттиргич.

Ўқитувчи:

Фарзандини ардоқлаб она,
Ўстиради етказмай завол.
Атрофида бўлар парвона,
Бўлса ҳамки ўзин қадди лол.
Бир мақсадни кўзлайди она,
Шу мақсадда яшайди ёна.
Эшитилар қалбидан бир сас,
Болам аввал одам бўлса бас.

Она – бу сўзда олам-олам маъно бор.

Она тарбиячи, она тадбиркор уй бекаси.

Онанинг меҳри қуёшдек беминнат ва мусоффадир. Онанинг фарзандлари учун қилган хизматини ҳеч нарса билан ўлчаб ҳам, баҳолаб ҳам бўлмайди.

Ҳа, чиндан ҳам одам боласи учун онадан азиз, онадан яқин ким бор?

Дунёда энг чиройли сўз – она. Бу сўз жаҳондаги ҳамма халқларнинг тилида бир хил ёқимли эшитилади.

Ўқувчи: Авайлаб бир парча гўштдан

Инсон қилолган онага таъзим.

Ўқувчи: 8-март бугун

Онажонлар байрами

Йўлларига поёндоз
Дафта гуллар бойлами.

Ўқувчи: Қуёш кулиб боққан кун,
Баҳор танга ёққан кун.
8-март бу кун,
Онажонлар байрами.

дунёда тенги йўқ,

Меҳрибонсиз онажон.
Дафта-дафта гул тутай,
Соғ бўлинг, бўлинг омон.

Ўқувчи: Она азиз, она муътабар,
Она – боғу роғимиз.
Она сўзи нурафшон,
Ўчмас ҳеч чироғимиз.

Қўшиқ: Онажон.

Ўқитувчи: Қарияларнинг ҳар бир сўзи ҳикматдир. Уларнинг сўзини бутун вужудимиз билан тинглаб, амал қилмоғимиз керак.

Ўқувчи: Қарига кулоқ ос,
Иймонсиздан доим қоч.

Ўқувчи: Қари билан суҳбат қур,
У сўзласа тинглаб тур.

Ўқувчи: Қарида ҳикмат кўп,
Гап айтса-чи, дегин хўп.

Ўқувчи: Қари айтсин ҳикматни,
Ёшлар қилсин хизматни.

Ўқувчи: Бувижоним келяпти,
Ҳасса дук-дук қияпти.
Мепн очаман эшикни,

Тез очаман эшикни.

Ўқувчи: Уйга кирди бувимиз,
Нурга тўлди уйимиз.
Мен қўяман пар ёстик,
Тез қўяман пар ёстик.

Ўқувчи: Бувижоним, бувижоним,
Сўзларингиз мулойим.
Шунинг учун биз сизни
Ҳурмат қиламиз доим.

Ўқувчи: Бувижоним келади,
Дилу жоним келади.
Узоқ йўлдош келади,
Иссиқ кулдан келади.

Қўшиқ: Бувижон

Ўқитувчи: Болалар, қишлоғимизда яшаётган дадаларимиз, ойиларимиз бувилари, 100 ёш билан юзлашган нуроний онахон Қундуз опа билан учрашмоқдамиз.

Марҳамат, бувиларингизга саволингиз.

Ўқувчи: Бувижон, қачон туғилдингиз?

Ўқувчи: Ҳозир нача ёшдасиз?

Ўқувчи: Неча ўғил ва қизларингиз бор?

Ўқувчи: Неча неvara ва аварангиз бор?

Ўқувчи: Бувижон, \аётда энг қийналган вақтларингиз бўлдимми?

Ўқувчи: Ҳаётда бахтли, ўзингизга ёққан энг яхши ўтказган вақтларингиз бирини айтиб беринг.

Саҳна.

Болалар: Ойи, нон егим келяпти, нон бера қолинг.

Она: Ҳозир еб қўйсаларинг, кечкурун нима ейсизлар?

Болалар: Майли, қолмаса ҳам ҳозир ейлик.

Она: Ҳа майли, (сочикқа ўроғлик нонни олиб кесади ва болаларига бериб, ўзи ушоғини ейди.)

1-бола: Ойи, нон қандай яхши нарса, бирам мазали-ки, бир буханка бўлса ҳам ердим.

2-бола: Ойи, бугунчи мен туш кўрдим.

Она: Нима туш кўрдинг?

2-бола: Биласизми ойи, мен тушумда жуда кўп, нон кўрдим. Роса тўйиб ебман.

Болалар: Ойи, ўзингиз емайсизми?

Она: Мен едим, ея беринглар.

Ўқитувчи: Мана болалар кўрдингизларми?

Бувижонимиз яшаган вақтларида оғир кунларни ўз бошларидан кечирганлар. Ўз ўғил ва қизларини қийинчиликларда ҳам боқиб ўстирганлар.

Ҳозир эса бизнинг турмушимиз фаровон, дастурхонимиз тўкин-сочин.

Ўйин: Дилхирож. Қизлар гуруҳи.

Магнитафонда:

“Доноларда шундай гап бор.

Айтишларича бир олимдан нон улуғми ёки китоб улуғми, деб сўрабдилар. У китоб улуғ деб жавоб берибди. Кунлар ўтибди. Ўша одам оч қолибди, мадори қолмабди. Сўнгра нима қилишини билмай китобига нон алмашиб ебди. Бу гап бекрга айтилмаган, чунки нон бу ҳаётдир.”

Ўқитувчи: Болалар, нонни қадрлашимиз керак, ноннинг ушоғи ҳам нон.

Нон, ўзидан-ўзи тайёр бўлмайди. Сизларни есин деб, қанча меҳнатлар билан тайёр қилиб берадиган ким?

Ўқувчилар: Онамиз.(хор бўлиб айтадилар)

Ўқувчи: Онамиз, бувимиз меҳнатини қадрлаймиз, бемаслаҳат иш қилмаймиз, ўзбошимчалик қилмаймиз.

Бувижон: Дуосини беради. (ўқувчилар тинглайдилар)

Қўшиқ: Нон ёпганда.

Ўқитувчи: Ҳурматли бувижон сизни баҳор айёми, 8-март байрами билан чин дилдан муборакбод этамиз. Болажонларимиз бахтига соғ, омон бўлинг, гулгун чехрангиздан табассум аримасин. Юртимиздан тинчлик кетмасин. Уйингизда ғам, кипригингизда нам бўлмасин.